O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ислом КАРИМОВ:

ОДАМЛАРИМИЗ, ХУСУСАН, ЁШЛАРИМИЗ ОНГИГА МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРАНИ СИНГДИРИШ, МУҚАДДАС ИСЛОМ ДИНИМИЗГА БЎЛГАН СОҒЛОМ ЭЪТИҚОДНИ САҚЛАГАН ҲОЛДА ТУРЛИ ДИНИЙ-ЭКСТРЕМИСТИК КУЧЛАРГА, ЗАРАРЛИ ОҚИМЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ БЎЙИЧА БОШЛАНГАН ИШЛАРНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ ДАРКОР.

O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ 16 МАРТ, ПАЙШАНБА

№ 32-33 (25.583).

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

«ОФАРИН»

ҒОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАДИЛАР, МАҒЛУБЛАРНИ ҲАМ ОЛҚИШЛАДИЛАР

РЕПОРТАЖ

Бу байрам эди. Зиёлиларнинг байрами. Республикада яхши, кўзга кўринган ижодкорлар тўпландилар. Пойтахтнинг Миллий боғи остонасида... Кайфиятлар баланд эди... Таниқли режиссёр Жаҳонгир Қосимов, ёш, иқтидорли тележурналист, тиниб-тинчимас Дилдора Ҳамидова (у ҳаммамизга маъқул «Синфдош» кўрсатуви муаллифи), машҳур адиб Тўлепберган Қаипбергенов, шоирлар Усмон Азим, Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид, актёрлар, рассомлар, созандаю бастакорлар, хуллас, биз яхши кўрган инсонларнинг ҳаммаси бор эди.

Газетадан тўрт киши қатнашди. Яъни, тўртта журналист.

Номзодлар «Нексия»ларда шаҳар айланишди. Пойтахт ўзининг машҳур фарзандларига бир зум кенг ва равон йўлларини очиб кўйди. Одамлар йилнинг энг яхши ижодкорларига ҳавас билан бокдилар. Шоир Сирожиддин Саййид таъбири билан айтганда, шу ҳолнинг ўзи гўзал эди, шу ҳолнинг ўзини ҳеч нарсага алмаштириб бўлмас эди, шу манзаранинг ўзи ҳаммамиз учун ёқимли эди. Тошкент оқшоми. Чироқлар порлоқ. Турли-туман ранглар нур таратади. Кейин машиналар «Халқлар дўстлиги» саройи зинапоялари олдига келиб тўхтади. Тумонат одам. Ҳаммамнинг чеҳраси гулгун... Қип-қизил, чўғдай гиламлар тўшалган зинапоялардан кўтарилиш арафасида кўкка мушаклар отилади... Бу бизнинг шаънимизга... Ўйлаб кўрсам, ҳеч қачон менинг шаънимга бундай қилиб мушак отилмаган экан. Эзгулик учун, ижод учун отилаяпти. Бошим айланган-дек бўлди... Атрофимдагиларнинг ҳам кайфияти осмон қадар. Одамларнинг олқишлари ичра муҳташам бино ичкарисига кирдик. Чиройли қизлар гуллар, шарбатлар тутиб қарши олдилар. Шу ҳолнинг ўзи ҳам жозибали эди. Ичкарида элнинг фахри, миллатнинг гурурлари — мўътабар инсонлар бизни чиройли бир ҳолатда кутиб туришибди.

Тантана бошланди. Ҳаяжон. Ҳар бир соҳадан биттадан ғолиб аниқланади. Номзодлар эса тўрттадан. Тўрттови ҳам зўр. Жойим саккизинчи қаторда экан. Олдинги ўринларда, катта шоирлар, катта ёзувчилар. Уларга боқиб ҳавасим келади. Ғолиблар аниқланаяпти. Енимда турмуш ўртоғим ҳам ҳаяжонланиб турганини сезаман. Оламан, агар бу гал ололмасам, барибир кейинги галда оламан, бу сафар ёши улуғ ижодкорлар кўпроқ экан, деган ўй кечади хаёлимдан. Менинг шу ергача келишимнинг ўзи катта гап дейман. Ана ғолиблар номи эълон қилиниб, улар сарой саҳнасига бирин-кейин чиқишмокда. ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ, УСМОН АЗИМОВ, НАИМ КАРИМОВ... Энди бу ёғи бизнинг йўналиш... Вақт чўзилади, гўё... Ҳозир мен ҳаяжондан қутиламан. АҲМАДЖОН МЕЛИБОЕВ... Ишонасизми, хаёлим ёришиб кетади. Хотиним менга қарайди... (Кўнглимни кўтармоқчи шекилли). Бирдан кулиб юбораман... Ўрнимдан туриб қарсак чаламан. Қутилдик, ҳаяжондан қутилдик, энди бемалол... дейман унга.

Сўнгра Қуддус Аъзам, Юлдуз Усмонова, Темур Саъдуллаев, Юсуф Розиқов, Азиза Бегматова, Нодира Қурбонова, Абдуҳошим Исмоилов, Наби Абдурахмонов, Мирхалил Маҳмудов, Қудрат Асқаров, Светлана Даминова, Дилмурод Қўшоқов, Раҳмат Жумаев, Шариф Қодиров, Саидакмал Расулов, Муҳаммаджон Обидов, Равшан Солиҳов, Равиль Альбеков сингари иқтидорлар ғолиб бўлиб саҳнага кўтарилдилар.

Менинг назаримда муҳташам бинодаги томошабинлар ғолиблар тугул ҳар бир номзод учун ҳайқириқлар, гулдурос қарсаклар билан мухлислик қилишди. Элнинг назари иқтидорни барибир илғайди, эл талантларни ардоқлайди — шу катта мукофот.

«Офарин» танловининг яна бир жиҳати бор. Бунда истеъдодлар бирлашди. Қайси соҳанинг вакили бўлишимиздан қатъий назар озодлик ва келажак олдидаги масъуллик ҳисси қалбимизда аланга олди. Халқ байрамларни бағри дили очилиб қаршилайди. Шундай катта кошона тирбанд эди, битта ҳам бўш жой қолмади, оёкда тик турганлар ҳам бўлди. Демак, халқ учун шоирлари, ёзувчилари, рассомлари, актёрлари, бастакорлари, хонандалари ҳамма ҳамма ижодкорлари билан учрашмоқ ҳам катта тантана. «Офарин» аҳли ижодни улуғлайдиган айём даражасига кўтарилди.

Хуллас, бу катта байрам бўлди, эсда қоларли байрам бўлди. Ҳар қандай тадбирнинг дастлабкиси ўзига хос бўлади. Лекин, дастлабкиси жозибали ва эсда қоларли бўлади...

Шу ўринда дилимда бир истак уйғонди. Телерадио йўналиши бўйича саккизта соҳа учун ғолиблар аниқланди. Газетада эса иккита. Кейинги йилларда бўлажак танловда дейлик, «Энг яхши вилоят мухбири», «Репортаж жанрининг энг яхши муаллифи», «Энг яхши очеркнавис», «Энг яхши фельетончи», «Халқаро мавзудаги энг яхши мақолалар муаллифи», «Энг яхши саҳифаловчи» сингари йўналишлар ҳам киритилса яхши бўлар эди. Чунки газетачиликнинг ҳам ўзига яраша оғир-енгили, иссиқ-совуғи бор. Газеталар даврнинг кўзгуси. Уларда акс этган жамият ҳаёти тарих саҳифасини мукаммал тўлдирмоқ учун хизмат қилади, қолаверса, кейинги авлодлар бугунни газеталардаги воқелик орқали яхшироқ тасаввур қилиши, шубҳасиз.

Бу — энди ният. Аммо «Офарин» жуда гўзал, яхшилик сари чорлагувчи айём сифатида кечгани эса факт.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ**
Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар

Х АЖ — 2000

ШУКРОНА

Бугунги кунда мусулмон оламининг диққат-эътибори Саудия Арабистонига қаратилган. Айни пайтда муборак ҳаж амалларини адо этаётган зиёратчиларимиз Минога келиб, Арофатга боришга тараддуд кўрмоқдалар. Улар Минода тунаганларидан сўнг давлатлари бўйича навбатма-навбат автобусларда Арофат томон йўл оладилар. Ҳажнинг энг асосий амали — Арофатда кун ботгунча дуою-ибодат билан туриш. Зиёратчиларимиз дуоларида юртга тинчлик, юртбошимизга, фарзандларига омонлик ва шу кунга етказгани учун Аллоҳга шукроналар айтишмоқда. Мухбиримиз Минога тўпланган зиёратчиларимиз билан учрашиб улар билан суҳбатлашди.

Тўлқин Йўлдошев, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Мирза Ғолиб маҳалласи:

— Эшитган бошқаю кўрган бошқа экан. Шунинг учун ҳам халқимизнинг юз бора эшитгандан бир бора кўрган афзал, деган ҳикматига имон келтирдим.

Тошкентдан Жидда аэропортига қўниб, автобусларда Макка шаҳрига етиб келишимиз билан мени икки нарса жуда ҳайратда қолдирди. Биринчиси, меҳмонхона олдига келиб, автобусдан тушишимиз биланоқ баланд кўтарилган озод ва обод Ватанимиз Ўзбекистоннинг байроғигиа кўзим тушди. Ўзга бир заминда Ватанимиз байроғини кўриб, юртимизнинг қанча азизу мўътабар эканини чин қалбимдан ҳис этдим. Бошқа ҳамюртларимиз ҳам айни шу ҳолатни юракларидан ўтказганликларини сездим.

Иккинчидан, ҳаж зиёратига келган минг-минглаб одамларни кўриб, уларнинг тили, ирқи ва миллатидан қатъий назар, тўла маънодаги тенг ҳуқуқли ва фақат Яратганга сиғиниб, покланишга интилаётганига назар солиб ҳайратландим. Билиб-билмай қилган гуноҳларимиздан покланиш йўлида амалларни адо этмоқдамиз...

— **Абдураззоқ Болтаев, Чилонзор тумани:**

— Макка шаҳрига келган зиёратчиларимиз орасида ўзининг тумани, вилоятидан ташқарига чиқмаганлар кўпчиликни ташкил этади. Республика раҳбарияти яратган имконият, муҳтарам Президентимизнинг қўллаб-қувватлагани ҳамда муборак ҳаж зиёрати орқали улар оламу одамни, сафар азобию роҳатини кўришга муяссар бўлмоқдалар. Буни фақат юракдан ҳис этиб, эвазига юртбошимиз ва ҳукуматимизга чексиз шукрона айтишдан тийилмаймиз.

Бу билан ҳаж мавсумини ташкил этиб, камарбаста бўлиб, ҳожиларимизга хизмат кўрсатаётган республикамизнинг бу ишга дахлдор барча ташкилотлари вакилларига ҳам сидқидилдан ташаккурларимизни билдирамиз. Барчанинг кўнглини олиб, уларга бегона юртда шароит муҳайё этишнинг ўзи катта гап.

■ **«Жаҳон» АА мухбири Ф. ПАРПИЕВ суҳбатлашди. Макка шаҳри.**

Юртимизда ҳамиша тинчлик барқарор бўлсин!

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Самимий қутловлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сиз Зоти Олийларини Қурбон байрами муносабати билан чин қалбимдан табриклайман. Фурсатдан фойдаланиб, турк халқи ва ўз номимдан Сизга соғлиқ ва бахт, қардош Ўзбекистон халқига омонлик ва фаровонлик тилайман.

Сулаймон ДЕМИРЭЛ,
Туркия Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Сиз Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллайман.Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт, бирадар мамлакатингиз халқига бардавом тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

АБДУЛЛОҲ Иккинчи,
Иордания Подшоҳи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз Жаноби Олийлари ва бирадар Ўзбекистон халқига Сурия Араб Республикаси халқи ва ўз номимдан самимий табриклар йўллаш менга мамнуният бахш этади. Аллоҳ Таолодан бу айёмлар Сиз Жаноби Олийларига келгуси йилда ҳам сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, халқингизга эса хайру барака ва фаровонлик келтиришини тилайман.

Ҳофиз АСАД,
Сурия Араб Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мусулмон тақвимининг муборак айёми Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига самимий табрикларимни йўллайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга бахт-саодат, мустаҳкам соғлиқ, Аллоҳдан мамлакатингизга ва барча мусулмонларга раҳмат нурини ёғдиришини сўрайман.

Қобус бин САИД,
Уммон Султони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Муборак Ийд ал-Адҳо айёми муносабати билан Малдив халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Сиз Жаноби Олийлари ва бирадар Ўзбекистон халқига самимий табрик ва эзгу истакларимни йўллайман.

Қодир Аллоҳ Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт, мусулмон умматига тинчлик, равнақ ва фаровонлик ато этсин.

Маъмун АБДУЛҚАЮМ,
Малдив Республикаси Президенти

ИСЛОХОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

ТАДБИРКОРГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛИШДАН КИМ МАНФААТДОР?

Ер бугун деҳқон, фермерлар меҳрига шай. Фурсат ғанимат. Айни кунларда тадбиркорлар масаласи долзарб мавзулардан бири. Бу борада республикамиз Президенти ҳам бир қатор муаммоларни таъкидлаб ўтди. Хусусан, жойлардаги маъмурият томонидан фермерларга, хусусий тадбиркорларга нисбатан совуқ муносабат Президент томонидан очиқ танқид қилиб ўтилди.

Бироқ фермерлар, тадбиркорлар ва жойлардаги ҳокимликлар орасидаги ўзаро муносабатлар ҳали-бери ечим топиши мушкулга ўхшайди. Бугун тадбиркорлар жамоа хўжаликлари билан бемалол рақобатлаша олаяптилар. Эҳтимол, чигал муносабатларга шундай рақобат ҳам сабабдир, деб ўйлаб қоласан баъзан.

Шаҳрисазбзлик тадбиркор, Н. Юсупов номли кенг тармоқли ишлаб чиқариш фермер хўжалиги бошлиғи Нўъмонжон Юсупов ана шундай чигал муносабатлар қуршовида. Фермер хўжалигини юртиш учун зарур бўлган 50 гектар ер олиш ҳақиқий маънодаги муаммога айланди. Солиқ идорасидан барча ҳужжатлар тўғриланган, жамоа хўжалиги билан шартномалар имзоланган. Афсуски, Нўъмонжон Юсуповнинг 50 гектар ер сўраб туман, вилоят ҳокимлигига қилган мурожаатлари ҳеч қандай натижа бермаяпти. Фермер учун айни иш бошлаш палласи, бироқ у туман ва вилоят раҳбарларининг совуққонлиги туфайли нажотсиз қолган. Шу фурсатда Нўъмонжон Юсуповнинг фермерлик фаолиятига назар ташлаш айни муддао бўларди.

1992 йилда кенг тармоқли фермер хўжалиги ташкил этган. Асосан, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланади. Шу давр мобайнида турли цехлар очишга ҳам улгурган. Асосийси, аҳолига халқ истеъмол молларини арзон нархларда етказиб турибди. Ҳозир хўжалиги ҳисобида 8 гектар ер бор. Ўтган йили 1,6 гектар ерга буғдой экиб, 7,6 тонна ҳосил йиғиштирилган. Шунингдек, 2 гектар майдондан 15 тонна мака уруғи етиштирилиб давлатга сотилган. Чорвачиликдан 22 тонна сут, 3200 килограмм гўшт маҳсулотлари етиштирилган.

Нўъмонжон Юсуповнинг яна бир саъй-ҳаракати аҳолини иш билан таъминланаётгани. Ҳозир ишлаб турган бичиш-тикиш цехи, бир кунда 2-3 тонна ун ишлаб чиқарадиган тегирмон, 2,5 тонна ёғ ишлаш қувватига эга цех, 50000 дона жўжа очириш қувватига эга «Универсал-55» инкубатори ва ниҳоят 1500 кубометр сув ҳавзасида балиқ боқилаётганини инобатга оладиган бўлсак, ҳақиқатда аҳоли бу кенг тармоқли фермер хўжалигидан манфаатдор бўлаётгани аёнлашади. Н. Юсупов Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус-98» кўрик-танловининг совриндори.

Шундай кенг фаолият қирраларини амалга ошираётган тадбиркор Нўъмонжон Юсупов бугун ҳафсаласи пир бўлганини яширолмайди.

«Баъзан ҳаммасига қўл силтагинг келади. Айниқса, маҳаллий амалдорлар қабулига югураверсанг тинканг қуригач, беихтиёр шу ташвишлар менга зарилмиди, деган хаёлга борасан. Ер муаммоси, менга ер ажратишларини сўраб қилган мурожаатларим ҳеч қандай натижа бермагач, бўлди фермерликни йиғиштираман деб тургандим. Аммо Президентимизнинг Олий Мажлис сессиясида ва Сирдарё вилояти сессиясидаги нутқлари яна кўнглимдаги шижоатни аланглатди. Ҳақиқатда, юрт тараққиёти учун ўз ҳиссангни қўшишдан кўра улуғроқ бахт йўқ. Фермер хўжалигимиз аҳолига ёғ, ун, мева-сабзавот, балиқ каби озиқ-овқат маҳсулотларини арзон нархларда етказиб бераяпти. Бундан ташқари, қишлоқдаги аҳолини имкон қадар иш билан таъминлашга ҳаракат қилаяпмиз. Қолаверса, республикамиз Президенти бизни — хусусий тадбиркорларни қўллаб турган экан, бутун ҳаракатимизни шу ишга йўналтирамиз», — дейди Нўъмонжон.

Хўш, муаммо нимада? Бу борада туман ҳокимлиги вилоят ҳокимлигидан тадбиркорларга ер беришни таъқиқлаш ҳақида буйруқ олганини рўкач қилади, холос. Аммо, бугун тадбиркорликни ривожлантириш долзарблик бўлиб турган бир пайтда тадбиркор фермерни асосий иш фаолиятидан — ердан бебаҳра этадиган қанақа буйруқ бўлиши мумкин. «Фурсат эса ғанимат, бугун бир кун кечиксанг эртага ўн баробар зарар кўришинг тайин», дейди куюниб фермер. Нўъмонжон Юсуповнинг фикрича, у очган цехлар, тегирмон ва фермер хўжалигининг келажак фаолияти, тараққиёти айнан шу 50 гектарга боғлиқ. Чунки ишчилар сони ва ишлаб чиқариш ҳажми тобора ортиб бораяпти. Шундай экан, ўйлаб қоласан: тадбиркор ер беринг, мен сизга арзон нархдаги маҳсулот етказаман, деб турганда унга тўсқинлик қилишдан ким манфаат топади?

Дарҳақиқат, тадбиркорга тўсқинлик қилишдан ким манфаатдор — ўйлаймизки, бу саволга вилоят ҳокимлиги ва Шаҳрисабз туман ҳокимлигидагилар аниқ жавоб беришар!

■ **Абдумалик БОБОЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

АНЖУМАН

КЕКСАЛИК — УМР ГУЛТОЖИ

Ҳозир мамлакатимизда 1,5 миллиондан зиёд киши кексалик гаштини сураяпти. Қариси бор уйнинг париси бор, дейди халқимиз. Чунки боболар бор жойда ҳамиша донишмандлик, ақлу заковат ҳамроҳ. Аммо кексаликнинг муаммолари ҳам кўп. Айниқса соғлиқ масаласи долзарб. Куни кеча биринчи Тошкент тиббиёт институтида бўлиб ўтган геронтология анжуманида ана шу хусусда атрофлича сўз юритилди.

Аҳолининг ижтимоий заиф гуруҳига холис хизмат қилувчи нотижорат «Таянч» агентлиги ва Ўзбекистон очиқ жамияти институти — Сорос фонди ташкил этган ушбу анжуманда мамлакатимизнинг етакчи мутахассислари, олимлар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар. Анжуманни соғлиқни сақлаш вазири Ф. Назиров кириш сўзи билан очди.

■ **Бобо САРОЙИ**

«НАВРЎЗ — БОҚИЙ БАЙРАМ» ТАНЛОВИГА

ҚУШГА АЙЛАНГАН ЮРАК

Янги кун...
Йил боши...
Наврўзи олам...

Замин уйғонар. Қурту қумурсқа уйғонар, дарахтлар тирилар, майсалар туғилар. Табиат бағрида бошланар жўшқин ҳаёт, гуллар очилади, диллар яшаради, кўнгил уйғонади, ҳислар тирилади, муҳаббат уйғонади — муҳаббат янги кунда.

Қиру адирда баҳорнинг яшил поёндози. Жимирлаган бойчечагу кўзигуллар кафтида шудринг. Бойчечаклар боқаркан ноз ила жилмайиб, гул юзин шудрингга ювибми ё илибми қулоғига ой балдоғини, самони қоплаган юлдузлар мисол ям-яшил кенгликда кўзигуллар нурланар бежирим. Латиф табассумли гул ғунчаларнинг сочини рашк ила тортқилаган саркаш баҳор камалаги, муҳаббат ранги, ёҳуд майсанинг қўли, қўлимас косаси тўла шудринг, шудринг ҳам эмас, жом тўла ишқ майи, балки. Бунча сархуш этади кўнгилни.

Кўкда момиқ булутлар баҳор ўлкаси узра Яратганнинг баракотини кўтариб сузиб юрарлар. Қуйида қишлоқ. Субҳидам. Қишлоқда от кишнаган, ит ҳурган, ўчоқдан буралиб-буралиб тутун аралаш буғ кўкка ўрлайди. Ўчоққа дошқозон осилган, унга алп йигитлар ўт қалаган. Қозон тубида тош-ла, ёнғоқ айланади. Уни нозик қўллар авайлаб, силаб-сийпаб айлантиради, неча сулув ўргилади. Сумалак пишмоқда — сумалак.

Ўчоқ эмас, баҳор-а. Ўт қаловчилар — қўш чинорлар! Йўқ, йўқ, куйлагувчи булбулдек нола қилгувчи диллар — улар. Қозон тубида тош-ла, ёнғоқ эмас, юрак айланар. Айлантиргувчи — ўргилтиргувчи сулувларми? Йўқ, йўқ, чаманзор кўрки гул-ғунча улар. Пишаётган сумалакмас, муҳаббат. Муҳаббат етилар, муҳаббат ўт қозонда.

Тонг...

Серташвиш овул...

Момолар қотирган чалпак, оналар ош дамлаган, лағмон чўзиб келинчак, қизлар кийган баҳор либосини, барчалари қиру адир томон интилади, сайлга ошиқади, болаларнинг қувончи ичига сиғмайди. Бу кун йил боши — барчага тўй.

Фасл келинчаги баҳор ямяшил қирларда мезбонлик қилади. Меҳмондадир қўйқўзи, эчки-улоқ, йилқи-пода, қурту-қумурсқа, паррандаю дарранда... Эрлар қ ў л и д а дўмбира, шўх к у й л а й д и, достон айтади, терма айтади тўлиб-тўлиб, тошиб-тошиб. Куйларда баҳор жилоси, ёшлик саси, меҳр нафаси, болаларнинг шўх қийқириғи жўр бўлади куйларга, беғубор диллар шодлик улашар унга-бунга, ўтиргану-турганга, қари-қартанга, танламай дуч келганга — уларнинг бахтиёрлиги кенгликка сиғмайди, тўлдиради оламни. Бу кун шодликка ботар олам. Олам тўла шодлик.

***

Чақалоқ туғилса сасидан шодланиб кетар овул. Дунёйи фонийнинг табиати мезбонлик. Меҳмонлар эса келиб кетаверарлар.

Бир неча йил ўтганди овулнинг одатий бир хонадонида чақалоқ ингаси янграганди, фарзанд дунёга келганди. Бир ўғлон туғилганди. Эл ўз удумига кўра, янги келган меҳмоннинг ўнг қулоғига азон ва чап қулоғига такбир айтишди. Гўдак энг аввал яратган Парвардигорининг номию сифатини эшитсин...

Хонадон хурсандчилиги давом этар. Еттинчи кун чақалоқни момолари оёқлари устига ўтқизиб, туз солинган сувда чўмилтиришди. Баркамол инсон бўлсин, танига касаллик йўламасин, деб. Боболари жажжи меҳмоннинг қоринлик сочини олишди, сочига гаров бўлсин учун икки кўчқор сўйилиб, кўни-қўшнилар чақирилди. Пири-бадавлат, нуроний кексаларнинг маслаҳати билан ота ўғлига Самандар деб исм қўйди.

Гўдак онанинг меҳр тўла кўксини бир маромда эмар ва боши узра узундан-узун она алласи янграрди уззу-кун. Кунлар ўтди, ойлар, йиллар ортидан — йиллар ўтаверди. Самандар ҳам улғаяверди. Отаонанинг қувончлари ташвишга айланди, ёҳуд орзулар — дарз кетган бахтга. Самандар гунг эди. У бир сас-садони эшитмасди. Эшитмаганди қулоғига айтилган азону такбирни. Тинглай олмаганди узун тунлар айтилган она алласини. Фақат вужуди тингларди, сингдирарди барча-барчасин.

Хушсуврату алпқомат йигит бўлиб камолга етган Самандар одоб ва ахлоқда эшитгувчи-гапиргувчи тенгдошларидан аълороқ эди.

У кўрарди, жавдираб тургувчи маъюс кўзлар билангина кўриб англарди. У кўрар, шу кўз орқали тинглар ва шу кўз ила сўзларди. Кўзлардаги маънони синчков кишиким англай билар, беэътибор асло сезмас. Самандар гарчи гунг бўлса-да, хушфеъл ва ўткир зеҳни, фаҳми-фаросати билан ажралиб турарди тенгдошларидан. Унинг қалбида заррача ғубор йўқ эди. Мурғак гўдакдек ҳайратланиб боқарди борлиққа.

...Шу, шу овулда, Самандар туғилган санадан бир-икки йил ўтиб, қўшни хонадонда ҳам чақалоқ туғилганди. Унинг йиғисини доя кампирлар ҳам эшитмади дастлаб. Шулким, гўдак парда билан туғилганди, пардаланганди. Бу дунёга ибо ва ҳаё либосида келган ларининг маслаҳати билан ота қизига Ҳурнисо исмини берди. Гўдак бешикда тебранар экан, она майин-майин алла айтиб жигарбандини ухлатарди. Ширин-ширин орзулар билан вояга етказарди қизини. Вақтлар ўтди... Кунларнинг бирида Ҳурнисонинг эшитмас ва гапирмас — гунг қиз эканлиги аниқ бўлди. Онаизорнинг кўксидан бир нарса узилди, ғариб бўлди ота ҳам... Аммо Ҳурнисо қизларнинг энг сулуви бўлиб вояга етди. Жамолига сувпарилар рашк этса арзигулик, чеварлигин кўриб моҳир қўллар ҳасратдан бармоқларига игна санчса арзигулик. Ибо-ҳаёда Ҳурнисога эргашарди барча қиз. Фақат гапирмас эди у, яхшию ёмонни, эшитмас эди навою нолони...

***

Ушбу кун йил боши эди. Овулнинг катта-ю кичиги сайилда. Ул ҳам, бул ҳам чиқди, гул ҳам, тул ҳам чиқди, зўру шўр чиқди, бой ҳам, вой ҳам чиқди, кампир-чол чиқди. Қиз-жувон чиқди, уйқусиз бедори ҳам, бедаво-дардмани ҳам, борингки жони бори чиқди. Бу кун барча табиат бағрида шодумон, баҳор нафасидан баҳраманд кўнгилларда ғубор йўқ. Юраклар шодликдан лиммо-лим. Олам тўла бахт. Куйу қўшиқлар, лапару алёрлар, термаю достон янграётган кенгликда ҳеч бир сассадони эшитмаган Самандарнинг кўкси тўлиб кетди, сўйламоқ истаб, юрак тошди, вужуди титради, киприклардан ёш мунчоқдай терилиб-тизилиб, ситилиб-ситилиб тўкилаверди. Тенги-тўпидан айро қолди. Кимса йўқ тарафга ёлғиз юраберди. Кўрганлар, кўнгли ўксукда, унга халал бермангилар, дея холи қолдиришди. Самандар ўз-ўзи билан андармон борарди. Шунда... Алвон-алвон қизғалдоқлар ўртасидан бир шарпа қароғига келиб урилди. Қароғидан ўт чақнади. Ўшал томон интилди, бетоқат югурди. Йўқ, йўқ, муҳаббат қаноти-ла учди.

Ажабо, ул сулув бўйига етган Ҳурнисо эди. Унинг ҳам қувноқ давралардан четда, ўзи каби гапирмасу эшитмас ўтлану гул-чаманлараро сайр этиб, шулар ила дардлашмоқ эдими мақсади?..

Балки, ўт-ўланлар Ҳурнисонинг кўнглида туғёнга келган ёр-ёру ўланларини тинглай билгандир. Гул-майсанинг жўр бўлиб куйлаётган қўшиқларини Ҳурнисо тинглаётгандир ёки. Майса каби униб-ўсган Ҳурнисо ҳам, ғунчадек очилиб, гул каби кулиб боқди оламга. Гул бўлди Ҳурнисо. Ҳурнисо бўлди гул. Капалакдек енгил учиб келган Самандар шайдо бўлди гуллар ичра турган гулига. Гулзораро гуллар учрашди, гул эмас, ўксук диллар учрашди. Кўзлар ила сўзлашгувчи, ҳамдарду ҳамсуҳбат, сирдошлар учрашди. Нигоҳлар учрашди. Тақдир учрашди:

Ҳайрат-ла боққанда кўзлар,
Эътиборсиз қолмишми сўзлар?
Ишқ тўла кўзёши — куёши,
Куёши сочгай меҳр кўзёши.
У кўзлар сўзлаш истамас,
Истамас кўнгиллар фиғонин.
Ойдин кун, кун ойдин излаюр,
Чаманда порлаган ёғдуни.
Изламиш, бўзламиш кун-бакун,
Дилдираб ўксук у дийдалар.
Ахир, сен қайдасен, қайдасен?! —
Тошлардан етилган сумалак,
Нурлардан тизилган жамалак,
Кўнгиллар излаган камалак,
Товлангин, товлангин, товлан-а,
Май тўла муҳаббат жомида.

Бир-бирига боқишди, оламга ўт ёқишди. Жонзотлар чириллашди, майса-гул зириллашди. Кўнгил дея кўнгилга ишқ оташи туташди. Жонзот шовқин-сурони, дунё ғавғолари ҳам улар учун йўқ эди. Икки ошиқ юзма-юз «ҳиқ, ҳиқ» йиғлашур эди. Меҳрнинг қудратидан вужудлари зўрикди. Юракларнинг тепиши учқур отдай тезлашди. Ҳаловатлар йўқолиб, қулоқлар шанғилладди. Танда ҳолат бузилди, ғунгкарлик ҳам тузалди. «Ҳиқ, ҳиқ» йиғлагувчилар қулоғига сас келди, бир-бирига ҳайрат-ла термулишди ошиқлар. Эшитган садоларин такрорлади баробар. «Ҳиқ, ҳиқ» дея эшитган бори сасу-садони, «Ҳақ, ҳақ» дебон баробар такрорлашган эдилар. Гунг қулоғи эшитса, юраклари ёрилмиш, деган эркан яхшилар. «Ҳақ» дея сўзлашди бир-бирига ошиқлар «Ҳақ» дея тинглашди бир-бирини ошиқлар. Сўзлашди-ю тинглашди, тарс ёрилган юраклар учиб кетди самога. Боқий эди муҳаббат, боқийга қовушдилар. Майсаю гул-ғунчалар ёр-ёр айтди, ёр айтди. Оқ ҳарир либосдаги парилар эшитдилар. Мангуга қовушганларни қутлашга шошилдилар. Гўзал эди бу олам — унга «Чирой Гул»миди? Ишқ олами дилмиди — унга «Гул чирой»миди?

■ **Холмуҳаммад КАРИМ**

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ЯХШИ ИШ ЕРДА ҚОЛМАЙДИ

Камтаринлик, камсуқумлик ҳар бир инсоннинг олий хислатларидан биридир. Аввалом бор бу хислатлар, бу фазилатлар инсон ботинида мавжуд. Танамизга сут билан кирадиган фазилат — одамийликдир. Одамийликни эса камтарлик ушлаб туради, дейди бир донишманд.

Айниқса, эл хизматида бўлган ва унинг меҳрини қозонган инсонлар, юртимизнинг гуллаб-яшнаши ва юксакларга кўтарилишида ўз жонини ҳам фидо қилишга тайёрдирлар. Худойберган Айтбеков 1939 йил Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманида зиёли оиласида дунёга келди. У ёшлигидан ўзининг тиришқоқлиги, зеҳни, талабчанлиги билан бошқа болалардан ажралиб турди. Ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатиб, Тошкентга Низомий номли педагогика университетининг филология факультетига ўқишга кириб, 1963 йили тугатди. Университетни тугатган Худойберган ака ишни шу йили Ўртачирчиқ туманида оддий ўқитувчиликдан бошлади. У ўзининг ташкилотчилиги ва тиришқоқлиги билан жамоа ичида ҳурмат қозонди. Бўлим мудири, кейин эса анча вақт мактабда директор бўлиб ишлади. 1982 йилда Қуйичирчиқ туманида халқ таълими бўлими бошлиғи этиб сайланди. Мана 18 йилдирки шу вазифада. Худойберган ака 4 қиз 4 ўғлининг отаси, 16 неварани бобосидир. Қуйичирчиқ туманида 47 миллат яшайди. Туманда 54 та мактабда дарслар 3 тилда олиб борилади. Яъни қозоқ, рус, ўзбек тилларида.

— Худойберган ака болаларни жуда яхши кўради. Мактаб шарт-шароитлари, дарс ўтиш жараёнлари билан шахсан ўзи танишиб чиқиб, барча шароитларни яратиб берди, — дейди 36-ўрта мактаб директори Валентина Ивановна.

— Ҳар йили ўқувчиларимиз химия, математика, география, геология фанлари бўйича олимпиадаларда қатнашиб ғолибликни қўлга киритиб қайтишади. Мактабнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ўқувчиларнинг чуқур билим олишлари учун ҳар томонлама шароит яратишда Худойберган аканинг хизматлари катта, — дейди 33-ўрта мактаб директори Раҳим Қаюмов.

19-мактабдамиз. Мактаб ўқитувчиси Шин Валентина Александровна кекса бўлишига қарамасдан ҳар бир тадбирга ўқувчиларни ўзи тайёрлар экан. Мазкур мактаб ўқувчилари 18 йил давомида Новосибирскда ўтказиладиган иқтидорли болалар танловида мунтазам қатнашиб келган. Яқинда бўлиб ўтган Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан уюштирилган миллий санъат бўйича ўтказилган байрамда Валентина Александровнанинг ўқувчилари 1-ўринни эгаллабди.

Худойберган ака билан тумандаги лицей-интернатда учрашдик. — Лицей-интернатини 1997 йили туман ХТБ ва туман ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил қилдик, — дейди у. — Ушбу ўқув даргоҳига ўқувчилар тест-танлов асосида қабул қилиниб, таълим 3 та йўналишда олиб борилади. Лицейда ҳозир 150 та ўқувчи таълим олмоқда. Уларнинг яхши таълим-тарбия олишлари учун барча шароитлар яратилган. 100 нафар ўқувчи 4 маҳал иссиқ овқат билан таъминланади. Қатнаб ўқийдиган ўқувчиларга тушлик овқат берилади. Ётоқхонаси бор. Лицей ўқув хоналари компьютерлаштирилган. Фан тўгаракларини ишлаб турибди. Лицейда фақат олий тоифали ўқитувчилар дарс беради.

— 1999 йили 92 нафар ўқувчимиз 11 синфни битирди ва 48 нафари олийгоҳларга, 16 нафари техникумларга, қолганлари коллежларга ўқишга кирди, — дейди лицей директори Маҳбуба Муҳатова.

Худойберган акани туманда устоз, деб эъзозлашади. Чунки шу пайттача замонавий 10 та мактаб, 2 та боғча ҳамда 2800 ўринли қўшимча хоналар қурилди. 18 йилда 3121 ўқувчи олий ўқув юртларига ўқишга кирди.

Шуни айтиш керакки, туман халқ таълим бўлими тизимида олиб борилаётган ишларнинг яхшиланишида албатта, таълим-тарбия борасида раҳбарларнинг ишни тўғри ташкил этаётганликлари муҳим аҳамият касб этади.

Шу маънода Қуйичирчиқ ТХТБ да «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга тадбиқ этиш борасида олиб борилаётган ишлар эътирофга лойиқ.

— Мақсадимиз битта — ўқувчиларга чуқур билим бериб, мустақил Ўзбекистон келажагининг пойдевори бўлган ёш авлодни баркамол, етук, билимли ва ватанига садоқатли қилиб тарбиялаш, — дейди Худойберган ака.

■ **Бобомурод РАЙИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЭНГ КЎП ГАЗЕТА ЎҚИЙДИГАН ЖАМОА

Тан олиб айтиш керак, ўзингизга зарур бўлиб қолган газета-журнални тополмай сарсон бўласиз. Кимдан сўраманг: «йўқ, олиб кетишувди» деган жавоблар энсангизни қотиради. Овора бўлмай десангиз, аввало ўзингизга маъқул нашрга обуна бўлинг. Шунда мушкулингиз осонлашади.

Деновда «Сурхонозиқовқатсаноат» ҳиссадорлик жамияти мавжуд. Унда мингга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Корхона улкан, бақувват. Шароит ҳам меҳнатга яраша — қувонарли. Жамоа эл дастурхонини бут қилиш илинжида меҳнат қилмоқда. Жамиятдаги «Маънавият ва маърифат» масканида бўлган киши ишчиларга яратилган шароитни кўриб хурсанд бўлиши табиий. Жавонларда Президентимиз асарлари, турли илмий ва бадиий китоблар дид билан терилган. Шунингдек, бу ердаги 30га яқин газета ва журнал тахламлари жамият аъзолари ихтиёрида. Бу йил ҳам ишчилар 1 миллион 900 минг сўмга 30 турдаги газета ва журналларга обуна бўлишган.

Бу борада сариосиёликлар ҳам ортда қолишмайди. Туман ҳокимлигида 18 номдаги нашрлар йил давомида тахланиб борилар экан. Туманнинг «Шарғун» кўмир кони мамлакатимиздаги энг жанубий корхоналардан бири ҳисобланади. Конда 800 дан ортиқ шахтёр, ходим ва ҳайдовчилар меҳнат қилишмоқда.

— Жамоамиз бу йил 977 минг 585 сўмлик — жами 40 номдаги 650 та газета-журналларга обуна бўлишди, — дейди кўмир кони раҳбари Камолжон Хонов. Кон ишчиларининг туманда «Энг кўп газета ўқийдиган жамоа», деб тан олиниши ҳам бежиз эмас. Қанийди, воҳада маънавиятда ана шундай илғор жамоалар янада кўпайса...

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Айтишларича, дошқозонларда сумалак қайнатилаётганда тонгга яқин осмондан 30 нафар фаришта келиб қозонга нимарса ташлаб кетишаркан. Шунинг учун ҳам сумалак хушбўй ва бетакрор мазали бўлар экан. Яхшиликка йўл очгувчи бу қутлуғ таомни ким пишириб ёш-қариларга, бева бечораларга улашса, савобнинг тагида қолар экан.

Суратда: Термиз тумани, «Дўстлик» жамоа хўжалиги Патта-кесар маҳалласининг табаррук онахонлари Аннабека момо Шомуродова ва Ойсулув момо Ҳожиевалар кувида сумалак шарбатини олишмоқда.

Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат

СОҒЛОМ АВЛОД ҚЎШИҒИ

Жиззах шаҳридаги ҳаваскор ижрочиларнинг Соғлом авлод йилига бағишланган кўрик-танлови ўтказилди. Танловда вилоят туманларидаги бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўз дастурларини намойиш этишди. Унда Дўстлик тумани санъаткорлари пешқадам бўлишди. Жиззах шаҳар ҳаваскорлари жамоаси иккинчи, Ғаллаорол тумани қўшиқчилари эса учинчи ўринни олишди. Форишлик Раъно Тошпўлатова, зоминлик Фазлиддин Муҳиддиновларнинг чиқишлари томошабинларда илк таассурот қолдирди.

■ **«Туркистон-пресс»**

ЯНГИ АСР БЎСАҒАСИДАГИ ЎЙЛАР

УРУШ, НОМИНГ ЎЧСИН ЖАҲОНДА

Халқимизнинг суюкли шоираси Зулфия томонидан айтилган бу сўзлар бугунги кунга келиб миллионлаб оналарнинг, дунёга келиб ўқ овозидан бошқа овозни эшитмаган, оламда яхши сўз отлиғ ибора борлигини билмаган, қуролдан бошқа нарса мавжудлигини тасаввур ҳам эта олмайдиган болаларнинг ҳайқириғига айланиб улгурди. Урушлар қайси даврда, қайси шаклда ва қандай мақсадда бўлмасин, ҳеч қачон инсониятга яхшилик олиб келмаган. Бировларнинг қонини тўкиш, аччиқ кўз ёшлар эвазига қўлга киритилган ғалаба чинакам маънодаги ғалаба эмас. Дунёда инсон қалбидан улуғроқ ҳилқат йўқ. Шундай экан, бу улуғ мавжудликни топтаган ҳар қандай ғолиблик — тубанликдир. Айрим манбалар («Инсон ва жамият» қўлланмаси. F. Ғулом нашриёти. Тошкент — 1999 й. Тақризчи: фалсафа фанлари доктори, профессор А. М. Жалолов ва бошқалар)га қараганда, инсониятнинг охирги 5000 йиллик ҳаёти давомида 14000 уруш бўлган. Бу урушларда қарийб 5 миллиард инсон (ҳозирги кунда дунё аҳолиси 6 миллиардга тенг) инсон қурбон бўлган. Қанчадан-қанча тақдирлар, ҳазон бўлган умрлар, хаёллигича қолиб кетган қанчадан-қанча ойдин орзулар ётибди бу мудҳиш рақам ортида. ХХ асрда инсоният икки жаҳон урушининг гувоҳи бўлди. Биринчи жаҳон урушида 10 миллиондан ортиқ инсон ҳалок бўлган. Олти йил давом этган иккинчи жаҳон урушида 60 дан ортиқ давлатлар иштирок этган. Ҳарбий ҳаракатларнинг умумий майдони 22 млн. кв. км.ни, урушган давлатлар аҳолисининг сони 1,7 миллиарддан ортиқ кишини ташкил этади. Қуролли кучларга жалб қилинганлар сони 110 миллиондан ортиқ кишига тенг. Шундан 90 миллиондан ортиқ киши ярадор ва майиб бўлган. 50 миллиондан ортиқ киши жанг майдонларида ҳалок бўлган. Қанчадан-қанча инсонлар бедарак кетди. Она юртидан олисларда қолиб кетганлар ва бугун ҳам умргузаронлик қилаётганлар қанча! Иккинчи жаҳон урушида Германиядаги ҳарбий асирлар сони 5,7 миллион, собиқ СССРда 3 миллион, Японияда 300 минг кишини ташкил этган. Биргина Германияда асирлар орасидаги ўлим даражаси 3,3 миллион кишига тенг келади. Собиқ СССРда эса бу кўрсаткич 1 миллион кишини ташкил этади. Иккинчи жаҳон урушидаги моддий талофотлар 4000 млрд. долларни, шу жумладан, соф ҳарбий ҳаражатлар 1117 млрд. долларни ташкил этган. Саноати бўйича дунёда етакчи ўринларда турадиган Қозоғистон Республикасининг 1999 йилнинг январь-ноябрь ойларидаги ташқи савдо айланмаси 9 миллиард 442, 9 миллион АҚШ долларини ташкил этган (Қозоғистон миллий статистика агентлиги маълумоти). Бундан кўриниб турибдики, юқоридаги кўрсаткичлар кичкина кўрсаткичлар эмас. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ер юзида 150 та катта-кичик урушлар содир бўлган. Мутахассисларнинг фикрига қулоқ соладиган бўлсак, бугунги кунга келиб оддий урушларда ҳалок бўлган 1 жангчига фуқаролардан 10 киши, ядро урушларида 1 жангчига 100 киши тўғри келар экан. (Жан Пикте. «Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг тараққиёти ва тамойиллари» ХҚҲҚ. 1993 й.)

«Мана, менинг навбатим келган кун ҳам бошланди. Мен шошилинч равишда, унсиз йиғлаган ҳолда, баъзи кийим-кечакларимни йиғиштирар эканман, ўзимнинг барча хотираларимни, фотографияли альбомларимни, байрамда ёзиладиган дастурхонимни, бувимдан қолган, жуда кўп хотиралар билан боғлиқ эски дазмолни йиғиштириб кета оламанми, ўғлим билан ёши баробар бўлган пушти холчали ўйинчоқ бахмал кучукчани нима қиламан каби саволлар гирдобида қолдим. Мен ўз қўлларим билан қурган уйимни шундай яхши кўрардимки, уни тарк этишни ҳаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Қадрдон бўлган жойлар кўздан йўқолар экан, мен севимли уйим ва қишлоғимга сўнгги марта кўз ташладим...»

Бу сўзлар хорватиялик бир аёлнинг ҳикоясидан олинди («Панорама» журнали. Женева, 1996 й.) Минг афсуски, худди шу тарзда туғилган жойидан кўнгил узолмай, мўлтираб-мўлтираб, ташлаб кетишни хаёлига ҳам келтирмагани, уйини тарк этган ва этаётган инсонлар юзта ёки мингта эмас. Баъзи маълумотларга қараганда, сайёрамизда 1998 йил ҳисоби бўйича 12 миллионга яқин қочоқлар мавжуд экан. (UNHCR маълумоти) Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистонга 200 минг бола эвакуация қилинган. Мана, уруш даврдаги республика раҳбари Усмон Юсуповнинг 1941 йил кузидаги чиқишларидан парча:

«Агар очликдан ҳолдан тойган болаларни кўрсангиз, гарчи улар бошқа республикаларга кетаётган бўлса-да, эшелонларни Тошкентда қолдиринг. Ўзбекистон уларни қабул қилади, жойлаштиради, тарбиялайди, беистисно барчасини ўқитади...»

Уруш даврида ном-нишонсиз йўқолган болалар кўп бўлган эди. Уларни вокзаллардан, етимхоналардан, кўчириш пунктларидан, болалар уйларидан яқинлари излашар, эзлонлар ёзиб дуч келган ерга осиб қўйишар эди. Мана бунга эътибор беринг:

«Ищу сына, ему щесть лет, волосы курчавые, на носу с левой стороны родинка. По гроб буду благодарна тому кто сообщит мне о сыне. Заранее спасибо ему.

Елизавета Сникайте

Мой адрес: махалла Гайрат, д. 134.»

Сўнгги 10 йил мобайнидаги урушларда 1,5 миллион бола ҳалок бўлган. Ҳозирги кунда жаҳонда 300 мингдан ортиқ аскар-болалар бор. Улар ҳали 15 ёшга ҳам етмаган. («Болалар ва уруш» ХҚҲҚ мақолалар тўплами. 1995 й).

Ваҳоланки, 188 давлат имзолаган (1999 йил бошидаги маълумот), 50 йиллиги катта тантана билан нишонланган Женева Конвенцияларига 1977 йилдаги I Қўшимча Баённоманинг 77-моддасида: «Ўзаро низода бўлган томонлар 15 ёшга тўлмаган болаларнинг ҳарбий ҳаракатларда бевосита иштирок этмасликлари юзасидан имкони бўлган ҳар қандай амалий чора-тадбирларни кўрадилар», деб ёзиб қўйилган.

Мана бу сўзларга эътибор беринг:

«Мен эскадронга қўмондонлик қиламан.Қўлим остида 978 киши бор. Улардан 176 таси болалардир. Баъзилари 9, бошқалари 10-11, аксарияти эса 12 ёшда. Улар ҳеч нарсадан қўрқмайдилар ва биринчи сафларда юрадилар» («Болалар ва уруш» видеофильмидан, ЮНИСЕФ, ХҚҲҚ. Женева. 1998 й).

Ёки :

«Тўқнашувларда тарафлар томонидан ёш болалардан бевосита жанг ҳаракатлари қатнашчиси сифатида тез-тез фойдаланилар ёки ҳарбий характердаги бошқа топшириқларни бажаришда кўмак берар эдилар. Болаларга ўзларини керакли деб ҳис этиш жуда ёқар, улар ўзларини катта деб ҳисоблашдан бахтли эдилар» («Болалар ва уруш» тўплами ХҚҲК 1995 й).

Асримизнинг буюк ёзувчиси Чингиз Айтматов: «Миллатни уйғотиш — уйғонганларнинг вазифаси», деган эди. Биз яшаб турган жамиятда, тангри иноъм этган она-сайёрада ана шундай воқеаларнинг юз бераётганлиги бизнинг фожеамиздир. Буни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Мана бу лавҳаларга эътибор беринг:

«Бизни шафқатсиз калтаклашарди. Баъзиларнинг қовурғалари синар ва мушаклари узилиб кетарди. Кишилар қон тупура бошлашарди... Бизга уч кунлаб овқат беришмасди. Фақат тиззалаб туриш мумкин бўлган паст томли тор хоналарга тиқиб қўйишарди» (Марсель Жюно.«Қуролсиз жангчи». ХҚҲК 1996 й).

Ёки:

«Аскарлар яқин атрофдаги уйларга бостириб кирар, ҳаммаёқни вайрон қилар, урар ва талонторож қилар эдилар. Кишиларнинг баъзилари биринчи бўлиб машинага ташланганликлари туфайли омон қолдилар. Зеро, уларни устиларидаги таналар сақлаб қолган эди.» («Уруш қурбонлари» варақаси. Женева, 1993 й).

Ёки:

«Бир ҳафта мобайнида бизлар очиқ ҳавода ётиб, равоч ва турли хил ўсимликлар билан овқатландик. Бизнинг кўз ўнгимизда бувижоним, кейин синглим, сўнгра эса укам дунёдан ўтишди».

(«Панорама» журнали. 1996 йил. Тожикистонлик аёл ҳикояси)

Бундай лавҳалар инсонни ўйга толдиради. Энг аянчлиси, бу хўрликлар энг буюк хилқат саналмиш инсон бошига инсон томонидан ёғдирилмоқда. Миллионлаб йўқотишларга қарамай, инсоният урушлар, хавотирлар домида қолиб кетмоқда. Бугун инсоният бошига «совуқ уруш»лар хавф солмоқда. Афғонистонда 20 йилдан бери биродаркушлик урушлари давом этмоқда. 1999 йилда 34 журналист жанг минтақаларида ҳалок бўлган. Асримиз сўнггига келиб халқаро тероризм ўзининг юқори чўққисига кўтарилди. Бунинг оқибатида қанчадан-қанча бегуноҳ инсонлар қурбон бўлмоқда. Буларни кўриб Жавоҳарлаъл Нерунинг: «Наҳотки инсоният ўз кашфиёти билан ўзини ҳалок этади». деган ибораси тўғримикин, қабилида ўйга толасан киши. Синган буюмни бутлаш, йиқилган деворни қайта тиклаш мумкин. Баҳор ҳар йили куртак очиб келаверади. Лекин, ҳалок бўлган инсонлар ўрнини нима тўлдиради? Ким тўкилган қонлар, кўз ёшлар учун жавобгар? Ҳазон бўлган умрлар, 17-18 ёшида дунёни тарк этган йигитлар, ёрини кутиб дунёдан бева ҳолида ўтиб кетаётган аёллар учун ким жавоб беради?! Чеченистон, Косово, Ироқ, Исроил, Фаластин, Тожикистон... Дунё «оловли нуқта»ларга, кўз ёшларга тўлиб кетди. Шуни унутмаслик керакки, бизнинг ортимизда авлодлар турибди, ёруғ келажак турибди. Эртанги кунимиз, авлодлар бахти, оилалар фаровонлиги учун бугунги инсонлар масъулдир.

■ **Шуҳрат ОРИФ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«КАТТАҚЎРҒОН ЁҒ-МОЙ»

ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ МУҚАДДАС ҚУРБОН ҲАЙИТИ ВА ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИЛАНИШ, ЯШАРИШ БАЙРАМИ — НАВРЎЗИ ОЛАМ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

БУ ЙИЛГИ КЎКЛАМ ДЕҲҚОНЛАРИМИЗ УЧУН БАРАКАЛИ КЕЛИШИДАН УМИДВОРМИЗ. ЗЕРО, АЗАМАТ ПАХТАКОРЛАРИМИЗ ЕТИШТИРГАН МЎЛ ҲОСИЛ ЧИГИТИНИ ҚАЙТА ИШЛАБ, ЭЛИМИЗНИНГ ЧЎМИЧИНИ МОЙГА ТЎЛДИРИШДАН БИЗ ҲАМ МАНФААТДОРМИЗ. ШУ БОИС, УЛУҒ АЙЁМ КУНЛАРИДА ДЕҲҚОНЛАРИМИЗГА ҚАРАТА КУЗДА УЯДИГАН ХИРМОНИНГИЗ БАЛАНД БЎЛСИН, ДЕЙМИЗ.

МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚИНИ ҚУТЛУҒ БАЙРАМЛАР БИЛАН ТАБРИКЛАР ЭКАНМИЗ, АВВАЛО ЮРТИМИЗ ОСМОНИ МУСАФФО, ҲАМИША ТИНЧЛИК БЎЛИШИНИ ТИЛАЙМИЗ. ХОНАДОНЛАРДАН ФАЙЗУ БАРАКА, ТЎКИН СОЧИНЛИК АРИМАСИН!

BS
BURSEL
GROUP
ЖАМОАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ
ҚУРБОН ҲАЙИТИ
БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

Буюк келажак сари шаҳдам одимлаётган мустақил мамлакатда турли миллат кишиларининг диний эътиқоди учун ҳуқуқий шароитлар кафолатланган. Оллоҳнинг назари тушган бу ўлкада инсонлар яшаши, билим олиши, бахт-саодатли бўлиши йўлида кўп имкониятлар яратилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ҚАРДОШ ХАЛҚЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ДЎСТЛИК АСРЛАР ОША МУСТАҲКАМЛАНИБ БОРАВЕРСИН!

«ОЛТИН БОШОҚ — У» ОЧИҚ ТУРДАГИ
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Бутун ўзбек халқини ва барча мусулмонларни Қурбон ҳайити муносабати билан самимий қутлайди.

Мустақил мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан янада баркамол бўлишини тилайди.

Мана шундай саодатли, фараҳли ойда қилган ибодатларингизни Оллоҳ Таоло ўз даргоҳида қабул айласин.

Муборак ҳайит кунларида юртимизга тинчлик-хотиржамлик, маъмурчилик ва равнақ тилаймиз.



«ОЛТИН БОШОҚ — У»
ОТАЖ ЖАМОАСИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЕРУНИЙ
«ЁҒГАР»
ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Ватанимизнинг барча фуқароларини янги кун — Наврўз билан табриклайди.

Ўзбекистон истиқлолга эришганидан буён ўтган қарийб тўққиз йил мобайнида мамлакатимизда улкан иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ислоҳотлар амалга оширилди. Юртимиз нафақат МДҲ мамлакатлари, балки ривожланган узоқ хориждагиларни ҳам ўз иқтисодий қудрати билан ҳайратга солди.

Бундай ютуқларга Қорақалпоғистон Республикаси, хусусан бизнинг корхонамиз меҳнат аҳлининг ҳам муносиб ҳисса қўшаётганидан фахрланамиз.



БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

«ОЗОДЛИК ЮРИШИ»

Белорус Президенти А. Лукашенко мамлакат парламентида сўзга чиқиб, мухолифат томонидан уюштирилаётган «Озодлик юриши» номли намойиш чоғида турли тўпалонлар юз бериши эҳтимолдан ҳоли эмаслигини айтди. Ўтган йилнинг октябрь ойида ўтказилган шундай «юриш»да оммавий тартибсизликлар рўй берган эди.

Президент тегишли идораларни огоҳлантирар экан, мухолифларга ҳам дағдаға қилиб қўйди. Унинг таъкидлашича, ўзини «демократия ва озодлик курашчилари» деб атаётган мухолифлар чет мамлакатлардан катта молиявий ёрдам олиб турибди ва бунинг ҳисоб-китобини қилиш керак. «Бир йил давомида улар 108 миллион АҚШ доллари миқдорида ёрдам пули олди, энди Ғарб давлатларига томоша кўрсатишга уриниши турган гап», деди А. Лукашенко.

САЙЛОВОЛДИ ШОВ-ШУВЛАРИ

Россия президентлигига номзод Юрий Скуратов мамлакатдаги коррупцияга алоқадор шахслар рўйхатини тузаётгани, уни яқин кунлар ичида жамоатчилик эътиборига ҳавола қилажагини айтди. Россиянинг собиқ бош прокурори бу лавозимдан ўзининг қандай қилиб кетгани ҳақида китоб ёзган эди. «Аждар йўли» деб номланган бу асарнинг тақдимот маросимида Ю. Скуратов ана шундай янгиликни эълон қилди.

Айримлар бу шов-шув сайловолди курашидаги тарғибот-ташвиқот ишларининг ўзига хос услуби холос, у кучли эътибор тортадиган асосга эга эмас, демоқда.

УЧ БАНК БИРЛАШУВИ

Японияниг учта йирик банки бирлашишни режалаштираётгани ҳақида маълум қилди. Ҳамма

барда айтилишича, «Токай», «Санва» ҳамда «Асахи» банклари бирлашгандан кейин катталиги жиҳатдан дунёдаги учинчи йирик молиявий гуруҳ пайдо бўлади. Унинг ягона бошқарувга ўтиши 2001 йилнинг 1 апрелига мўлжалланди. Бирлашманинг янги номи ҳозирча маълум эмас.

ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР ЖАЛБ ҚИЛИНМОҚДА

Польша хорижий сармоя ишлари бўйича давлат бошқармаси маълумотига кўра, 1999 йилда мамлакатга 8,3 миллиард АҚШ доллари ҳажмида хорижий сармоя жалб қилинди. Жорий йилда бу кўрсаткични 10-12 миллиард долларга етказиш режалаштирилган.

Польшада бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни 90-йиллар бошида бошланган. Ўша вақтдан буён мамлакатга киритилган жами хорижий сармоя ҳажми 38,9 миллиард долларга етди.

Польша иқтисодиётига сармоя киритаётган мамлакатлар орасида Германия етакчи ўринда туради. Ўтган йили немис ишбилармонлари Польшага киритган сармоя 6,1 миллиард долларга етди. Бу кўрсаткич жами хорижий сармоянинг 17,3 фоизини ташкил этади.

ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК

Қозоғистон пойтахти — Остонада мамлакат Бош вазири Қосимжўмарт Тўқаев украиналик ҳамкасби Виктор Юшенко билан учрашди. Мулоқот чоғида қишлоқ хўжалиги машиносозлиги ва мудофаа мажмуи соҳаларида икки томонлама ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

В. Юшенконинг икки кунлик ташрифи сўнгида ёқилғи энергетикаси соҳасида икки томонлама ҳамкорликка қаратилган қўшма протокол имзоланди. Ҳужжатга кўра, жорий йилда Қозоғистон томони Украинага 1,24 миллион тонна нефть етказиб беради.

ХУЛОСА ЧИҚАРИШГА ЭРТА

АҚШда президентлик учун курашаётган амалдаги вице-президент Альберт Гор Техас штатида рақиби кичик Жорж Бушдан бир оз устун келганини тасдиқлади. Ўтказилган сўров натижаларига қараганда, агар сайлов шу кунларда бўлиб ўтганда, Альберт Гор рақибидан 2 фоиз кўп овоз олган бўлур эди. Бироқ сайловга ҳали анча вақт бор. Шу боис ҳозирги натижалар Альберт Горнинг ғалабасини кафолатлашга ожиз.

ДАРДИ ОҒИР ЭМАС

Чехия Президенти Вацлав Гавел шифохонага жойлаштирилди. Шифокорлар унинг бронхит касалига йўлиққанини айтмоқда. Шу муносабат билан давлат раҳбарининг яқин кунлардаги тадбирлари қолдирилди.

Маълумотларга кўра, Президентнинг дарди оғир эмас. Шифокорлар бир ҳафтадан сўнг унга жавоб бермоқчи.

«ОСИЁ-ВЕСТ»
OIP WEST

ЎЗБЕКИСТОН–ГЕРМАНИЯ–ИСРОИЛ
«ОСИЁ-ВЕСТ»
қўшма корхонаси

Мамлакатимизнинг барча мўмин-мусулмонларини муборак айём — Ийд ал Адҳа Қурбон ҳайити ва яқинлашиб келаётган баҳор, гўзаллик, янгиланиш ва яшариш байрами — Наврўзи олам муносабати билан самимий муборакбод этади!

Мана шундай фараҳбахш кунларда юртдошларимизга энг эзгу тилакларимиз бахшида бўлсин. Дастурхонларимиздан қут-барака, тўкин-сочинлик аримасин. Соғлом авлод йилида Ватанимиз тинч, фарзандларимиз соғ-саломат, баркамол инсон бўлишларига тилакдошмиз!

ТЎЛОВЛАРГА «ЧАП» БЕРИЛМАСА

Юртимизда барча соҳаларда жаҳоний андозаларга мослашиш йўлида саъй-ҳаракат қилинмоқда. Замонавий солиқ тизими эса тараққий этган барча мамлакатларда жамиятнинг энг етакчи бўғини саналади. Бизда ҳам мақташга арзигулик ишларимиз талайгина. Зеро, баъзи мулоҳазалар тинчлик бермайди. Қайси касбда бўлмасин инсоннинг иймони бут бўлмаса бекор.

Тадбиркорлик, тижоратчилик халқимиз учун азалий. Ўтмишда билимдон одамлар тижорат билан шуғулланганлар. Аслида тижорат ҳам ўзига хос тадбиркорлик бўлиб, кишидан билим талаб этади. Нега бундай деяётганимнинг боиси бор, албатта. Ахир, ҳар касбнинг ўзига хос сир-синоати бўлиши табиий. Жилла қурса тадбиркор шу соҳага оид билим, тажрибага эга бўлиши шарт. Йўқса, иши ривож топмайди, аксинча касодга учрайди.

Жамиятимиз катта сиёсий, иқтисодий ўзгаришларни бошдан кечиряпти. Давлатимизнинг иқтисодий юксалиши кўп жиҳатдан тадбиркорликка боғлиқ. Мени ўйлантирадигани эса уларнинг маънавий дунёси. Кишилар маънавий олами устимиз бут қорнимиз тўқ даражасида бўлсайди. Хизмат тақозоси юзасидан кўп бор гувоҳи бўлганман. Баъзилар диёнатни унутиб қўядилар. Айтайлик, даромад солиғи. Негадир солиқни баъзилар «хориж»га хос тадбирлардан деб тушунишади.

Ахир азалдан халқимизда солиқчилик, ўлпончилик мавжуд бўлган-ку. Замонга қараб шакл-шамойили ўзгарган, холос. Ҳаридор ҳаққига хиёнат оғир гуноҳ саналган. Узоққа бормай, ўтган йили туманимизда рўй берган бир неча қонунбузарликларни таҳлил қилиб кўрайлик. Барининг замирида бир хил сабаб — тадбиркорлик, тижоратда ҳалоллик мезонини англаб етмаслик намоён. Мана шундайлардан бир нечтасини айтиб ўтишим мумкин. Фориш туманидаги «Йўлдош сўфи» фирмаси бошлиғи Шавкат Йўлдошев 58 минг сўм даромадини яширган, «Элга хизмат» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси бошлиғи Ботир Бегиев бўлса 64 минг сўм даромадидан солиқ тўлашдан бош тортган. Яна шуни айтиб ўтиш керакки, тадбиркорликни ҳавас қилганларга ҳеч ким монелик қилмайди. Лекин ҳар соҳанинг ўз қонунқоидалари борлигини унутмаслигимиз керак. Айтайлик, бизнинг туманимизда фаолият кўрсатаётган баъзи «тижоратчи» шахслар ҳеч қандай ҳужжатсиз фаолият кўрсатишни ўзига касб қилиб олганлар. Натижада улар давлат солиғига чап бериб келаверишган. Гўзал Саидаҳмедова, Шавкат Эгамбердиев, Алишер Баркиев, Очил Тожибоев каби шундай «сохта тадбиркор»ларга нисбатан қатъий чора кўрилди.

Фориш тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари вилоят, туман, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бевосита алоқада фаолият кўрсатади. Тезкор тадбирлар уюштириш, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориляпти. Ўтказилаётган тадбирлар ўз самарасини беряпти, албатта.

Туман давлат солиқ инспекцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 июндаги Фармони, Давлат солиқ қўмитасининг спирт, алкоголли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланиши ва ишлаб чиқарилишининг олдини олиш бўйича талабларини бажариш изчиллик билан олиб борилаётир.

Солиқ хизмати идорасининг асосий вазифаси бўлган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан даромад (фойда)ларни қасддан яшириш ҳолатлари аниқланиб айбдорлар жиноий жавобгарликка тортиляпти, жарималар солиниб даромад солиғига тортиляпти. Албатта, бу борада маълум тажриба тўпланди, ютуқларга эришяпмиз.

Ютуқларимиз ўзимизники. Аммо кишини ўйлантирадиган мулоҳазалар ҳам йўқ эмас. Такрор айтаманки, халқимизнинг иймони бут. Қадимдан юртимизда тижорат ривож топган, мукаммал қонунқоидалари шаклланган.

Истиқлолга эришган юртимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида собитқадам ташланмоқда. Ният Европа мамлакатлари, Америка, Япония ва бошқа тараққий этган давлатлардаги каби солиқ тизимини аниқ фаолият кўрсатишига эришишдан иборат. Зотан, солиқ тизими давлатимизнинг иқтисодиёти, маданияти, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлидаги бош омиллардан биридир.

■ **Фируз ШОМУРОДОВ,**
Фориш тумани Давлат солиқ инспекцияси махсус назорат-тафтиш бўлими бошлиғи.

«ЖАҲОНЖОН»НИНГ ЖАҲОНИЙ ОРЗУЛАРИ

Бугун мамлакат ўзининг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш йўлида ҳаракат қилмоқда. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз имкониятидан келиб чиқиб изланмоқда. Истиқлол шарофати ила тилимизга тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес, хусусий фирма каби атамалар кириб келди. Кимдир илк бошловчиларга ишончсизлик билан қаради, кимдир ҳайрихоҳ, яна кимдир бетараф. Лекин республиканинг давлат сиёсати хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга ҳам қаратилган. Демак, шубҳаларга, ҳар қандай хавотирларга, ҳожат йўқ. Президентимиз: «Биз кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда, нафақат ҳал қилувчи мавқе эгаллаши, айни вақтда унинг аҳоли фаровонлиги ва даромадлари ортишида, ишсизлик муаммосини ечишда мухим омилга айланишига эришмоғимиз лозим» деб таъкидладилар.

Шу кунларда иқтисодиёт сўзи билан баровар эркинлаштириш ибораси ишлатилмоқда. Ҳақиқатдан ҳам жамиятнинг барча бўғинларига эркинлаштириш кириб бормас экан, ривожланиш, тараққиёт бўлмайди. Ушбу йўлдаги барча сунъий тўсиқларга барҳам бериш вақти етди.

Самарқанддаги «Жаҳонжон» хусусий ишлаб чиқариш фирмасида ўтган йили 98 миллион сўм пул айланмаси амалга оширилган. Шундан давлатга солиқ сифатида 16 миллион 200минг сўм тўланган. Бугун ушбу фирмада 50 га яқин киши иш билан таъминланган. Улар 15 — 20 минг атрофида маош олишади. Бундан ташқари фирма ходимларига бирор муносабат билан ёрдам керак бўлса 50 — 100 минг миқдорида мукофот пули ҳам берилади. Ишчи ва хизматчиларга фирмада барча шароитлар яратилган. Фирма хайр-саховат, меҳр-мурувват ишларига ҳам алоҳида маблағ ажратган. Ўтган йили мактаблар, маҳаллалар спорт мусобақаларига 3 миллион 500 минг сўм миқдорида маблағ ажратилган. «Жаҳонжон» фирмаси ўтган йилни 18 миллион сўм соф фойда билан якунлади.

Келтирилган рақамлар оддийгина кўринсада, унинг ортида заҳматлар, изланишлар яширинган. Миллионлар ўз-ўзича келавермайди. Бунинг учун меҳнат қилиш, тер тўкиш зарур.

Фирма асосан бозор иқтисодиёти шароитида анчагина муаммога айланган ёқилғи масаласини арзон йўллар билан топиш ва халқимизга яхши хизмат кўрсатиш йўлида ҳаракат қилмоқда. «Жаҳонжон» фирмаси суюлтирилган газ билан транспорт воситаларига хизмат кўрсатади. Уларнинг оддий ҳисоб-китобига қараганда, ҳозирги тезкор техника асрида ҳар бир шахс ўзининг транспорт воситасида бир ҳафтада 100 литр бензин ёқадиган бўлса, бу кўрсаткич бир йилда 4800 литрни ташкил қилади. Бу эса шу кунларда 480 минг сўм пул дегани. Чакана эмас, ҳар қандай одамни ўйга толдириши табиий. Худди ўша одам ўз транспортини суюлтирилган газга ўтказса у ҳолда бу маблағ кўз олдингизда 120 минг сўмга айланади. Хулосани эса ўзингиз чиқариб олверинг. Биргина бу эмас, газ бензинга нисбатан ташқи муҳитга камроқ зарар етказади. Транспорт воситасининг мотори ва барча қисмлари узоқ вақт таъмирланишга эҳтиёж сезмайди. Машинангизга қуйиладиган турли хил ёғлар тез-тез алмаштирилмайди. Агар суюлтирилган газнинг бу томонларини ҳам ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, у сиз учун жуда-жуда арзонга тушади.

Транспорт воситаларига газ мосламаларини ўрнатиш лойиҳалари тузилиб, у маҳсус рухсатнома берилгандан сўнгтина амалга оширилади. Бу соҳада қилинаётган ҳар бир иш давлат автомобиль назорати ходимлари билан келишувга ва уларнинг тегишли хужжатларига асосланади.

Бугун «Жаҳонжон» фирмасида юк машиналарининг асосан ҳамма турига, «Жигули», «Москвич» машиналарининг барчасига, «Дамас» автомобилига ҳам газ мосламасини ўрнатиш учун тегишли рухсатнома бор. Фирманинг махсус устахоналарида тажрибали усталар газ мосламаларини ўрнатиш, унинг хавфсизлигини текшириш учун ҳамиша тайёр турадилар.

Бизга яхши маълумки, дунёнинг энг катта ривожланган давлатларида транспорт воситалари асосан суюлтирилган газ билан ҳаракатланади. Япония, Италия, Сингапур ва бошқа кўпгина мамлакатларда бу усул тобора оммалашиб бормоқда. Бу эса ўз-ўзидан бутун жаҳонда «қора олтин» номини олган нефтни тежашга, уни дунё бозорида валютага сотиш имконини беради.

Ушбу соҳада ҳам муаммолар етарли. Энг биринчиси, газ мосламаларини асосан четдан келтиришдир. Темир балонлар, редуктор каби қисмлар ва бошқа майда эҳтиёт қисмларигача хориждан олиб келинади. Бу эса шу кунларда газ мосламасини транспорт воситаларига ўрнатиш учун бўлган талабни тўла қондиришга халақит бермоқда.

Соҳадаги яна бир муаммо — газнинг ўта хавфли эканлигидир. Унинг мосламалари ўз бошимчалик билан ўрнатилса, тегишли рухсатнома олинмаса ва ўз вақтида техник кўрикдан ўтказилиб турилмаса бу инсон ҳаёти учун катта хавф туғдириши мумкин. Шунинг учун ҳам бугунги кунда, «Жаҳонжон» фирмаси мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўлида ҳаракат қилмоқда. Транспорт воситасига ўрнатилган газ балони юқори босим остида текшириб кўрилади. Унинг хавфсиз эканлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилингандан сўнг, фойдаланишга рухсат берилади. Газ оқибатида юз бериши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида мослама ўрнатилган транспорт воситаларини тез-тез техник кўрикдан ўтказиб туриш шарт ва зарурдир. Фирма ходимлари мунтазам равишда синов ва имтиҳонлардан ўтказилиб турилади. Мақсад — транспорт воситасига ўрнатилган газ мосламаси туфайли бирон бир фожеа юз беришини олдини олишдир.

«Жаҳонжон» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси «Самарқандавтогаз» вилоят бўлими билан ҳамкорликда газ мосламаларини ўрнатиш учун зарур бўладиган барча қисмларни ишлаб чиқаралиган янги завод қуришни режалаштирган. Бу орзуни амалга ошириш учун давлат миқёсида эътибор зарур.

Фирма хизмат кўрсатишнинг жаҳон талабларига жавоб берадиган янги бўлимларини очиш учун иш олиб бормоқда. Катта Тошкент трассасида транспорт воситаларини суюлтирилган газ билан таъминлаш шаҳобчаси ишга тушиш арафасида. Шаҳобчада ёғ алмаштириш, техник хизмат кўрсатиш, газ хавфсизлигини текшириш, ошхона, сауна, меҳмонхона, дам олиш жойлари ташкил этилади. Ушбу мажмуанинг таннархи 16 миллион сўмдир.

Вилоят «Савдогар» банки яқинда ўз мижози «Жаҳонжон»га 10 миллион сўм миқдорида кредит ажратишни режалаштирди. Фирма хизмат турларидан яна бири қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ҳам янада кенгайтирмоқчи. Юртимизда ўсадиган тераклардан стол-стуллар, уй жиҳозлари тайёрлаш кўзда тутилган.

Фирма ўз фаолиятини вилоят ҳокимининг аҳолига хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш ва тартибга солиш ҳақидаги қарори асосида амалга оширмоқда.

— Барча ишларимизни амалда кўрсатамиз, — дейди фирма директори ўринбосари Тўра Примов. — Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг II чақириқ 1 ва 2-сессияларидаги Президентимиз маърузаларини ҳаяжон билан эшитдим Президентимизнинг шахсан ўзлари хусусий тадбиркорни қўллаб-қувватлаб турганларида, бошқа майда муаммолар ишимизга тўсиқ бўла олмайди. Бугун мамлакат тараққиёти биз ёшларнинг қўлимизда. Халқ фаровонлиги, иқтисодимиз мустаҳкамлиги хусусий тадбиркорликнинг қай даражада ривожланишига боғлиқ. Бу йўлдаги изланишлар, ҳаракатлар қўллаб-қувватланмоғи шарт ва зарур.

Фирма директори Жаҳонгир Алибеков мана шу туйғуни қалбига жо этиб янги-янги имкониятлар сари дадил ҳаракат қилмоқда.

«Жаҳонжон»нинг жаҳоний орзулари ижобат бўлмоғини, газ мосламалари тайёрлайдиган ўз заводи бўлишига умид қиламиз. Мамлакатимизда шу сингари хусусий фирмалар янада ривож топаверсин.

■ **Фарруҳ ҲАМРОЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

«ЯНГИЙЙЎЛ ЁF-МОЙ» ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Бутун ўзбек халқини Қурбон ҳайити ҳамда баҳор, меҳр-муҳаббат, нафосат фаслининг дебочаси — Наврўз байрами билан муборакбод этади! Истиқлол ўз шарофатини кўрсатмоқда. Биз Наврўздек қадимий байрамни эмин-эркин нишонлаш шарафига муяссар бўляпмиз. Бинобарин, Наврўз йил боши, буюк ишларимизга оқ фотиҳа бериладиган чоғ. Ана шундай фарахли кунларда биз халқимизни бемалол ишонтириб айта оламизки, истеъмол моллари ишлаб чиқаришни орттириб уддалаймиз. Ҳаммамизга азиз юртимизнинг тинчлиги, фаровонлиги, ҳамюртларимизнинг сиҳат-саломатлиги, ўзаро дўстлик ва меҳр-муруввати зиёда бўлсин!

Эзгу ниятлар билан Ватанимиз фаровонлиги ва порлоқ келажаги учун қилаётган ишларимизда омад ёр бўлсин!



ҚУТЛУҒ АЙЁМЛАРИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗЛАР!

«ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС»

ДАВЛАТ УЮШМАСИ ЖАМОАЛАРИ

Ўзбекистон меҳнаткашлари ва юртимиз меҳмонларини

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан муборакбод этади. Янгиланиш ва яшариш байрами қувончлари ҳар бир хонадонга баҳорий севинч улашишини чин дилдан истаб қолади.

Пойтахт ҳаётини албатта уюшмамизнинг 19 минг кишидан иборат жамоаларисиз тасаввур этиш мушкул. Зеро, кишиларнинг манзилларини яқин қилишдек шарафли ва савобли ишнинг бошини тутиб эл-юртга хизмат қилаётганлигимиздан ғоят фахрланамиз. Чунончи, жорий йилнинг ўтган икки ойида уюшма бўйича 132,9 миллион йўловчининг манзилини яқин қилишга эришилди. Аҳолига 1218 та автобус, 214 та трамвай, 233 та троллейбус ва метрополитеннинг 191 та метро вагонларида хизмат кўрсатилмоқда. Чехиянинг замонавий ва қулай трамвай, троллейбуслари, Германиянинг автобуслари қаторида ўзимизда ишлаб чиқарилаётган «ЎзОтайўл» автобуслари ҳам турли йўналишларда йўловчилар хизматига шайдир. Пойтахт транспортчилари шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида шаҳар йўловчи ташиш транспортини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш борасида катта ишларни амалга оширишга киришдилар.

Азизлар, Наврўзингиз қутлуғ, ишларингиз буюк бўлсин!
Ўзбекистон диёрида ҳамиша Наврўз, тинчлик-омонлик, йўлимиз ёруғ ва бехатар бўлсин. Хонадонларимиздан файзу-баракот аримасин.

«ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС» ДАВЛАТ УЮШМАСИ

МУЛОҲАЗА

ТАРБИЯДА ТАНАФФУС БЎЛМАС

Ватан бу — Оллоҳнинг иноятн, бу — кўзимизга кўриниб турган борлиқ, бу — ўн саккиз минг оламда бор бўлган барча мавжудотлар. Ўсимликлар, ҳайвонот олами. Демак, Ватан ўз еримиз, ўз сувимиз, ўз қуёшимиз, ўз Президентимиз, мусаффо осмонимиз, ота-онамиз, фарзандларимиз.

Ватан бойлигига биз ўз-ўзидан эришганимиз йўқ. Бунга ўтган аждодларимизнинг машаққатли меҳнати, оловли йиллардаги Ислом Каримовнинг ташаббуси, фидойилиги сабаб бўлди.

Ҳамма нарса қотиб қолган бир модда эмас. У ҳаракатда бўлади. Шу жумладан Ватан ҳаракатда, бу ҳаракатни йўлга солувчи ва адашган инсонларни етаклаш эса шу юрт фарзандларига боғлиқдир.

Ватанни яхши фарзанд йўлга солади. Ватанни ноқобил фарзанди издан чиқаради. Турли хил фалокат йўлига олиб бориб қўяди. Шу боис Ватан ҳимояси барчамиз учун муҳимдир. Барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ватан ҳимояси мустақил Ўзбекистонда яшаб турган барча миллат ва элатлар ҳимоясидир. Бунда асосан ёшлар, ўрта ёшлилар ва нуроний қарияларнинг ўрни каттадир. Ватан ҳимоясида умумтарбиянинг роли катта бўлмоғи керак. Биз ёшлар тарбиясига катта аҳамият берамиз. Бу яхши нарса. Лекин ҳаётда шундай нопок инсонлар ҳам учрайдики, ҳозирги ўткинчи қийинчиликлардан нолиб юрган, ёшлар тарбиясини бузиб келаётган инсонлар ҳам йўқ эмас. Айрим ёшлар уларга эргашмоқда. Кимки, Ватан халоскорлигидан бошқа бирон-бир хаёлга борса — озод давлатда яшашга ҳақли эмас. Инсон у қандай ёшда бўлмасин, ёшми, қарими, ҳаёти даврида ўзига хос, ўзига мос иш тутиб, ўзига ва ўзгаларга манфаати тегадиган бўлиши керак.

Эй одамлар, кўзингизни каттароқ очинг. Умр ўтмоқдаки мисоли дарё, уни хатоларсиз ўтказишга ҳаракат қилайлик...

■ **Қурбон Юнусов,**
Халқ маорифи аълочиси,
меҳнат фахрийси.

ИНСОННИ ЮКСАККА КЎТАРГАН ҚАЛБ

Ҳожиакбар Шайхов ижоди ҳақида сўз

Ҳар бир давр ўз романтикасини яратади. Ёзувчи эса уни ҳаммадан олдин ва тезроқ кўра билади, тасаввурига сингдиради, бойитади, илҳомланади ва ниҳоят, қоғозга тушириб, китоб шаклида ўз мухлисига тақдим этади. Ҳар бир асар эса ўз соҳиби яшаб турган замон ҳамда муҳит романтикасидан бир лавҳадир. Шу кеча-кундузимизнинг истеъдодли ёзувчиларидан бири саналмиш Ҳожиакбар Ислом ўғли Шайхов худди ана шу романтикани бадиий адабиётнинг энг мураккаб, аммо энг мафтункор жанри мистик-фантастик йўли билан истифода этади. Унинг дунё юзини кўрган китобини қўлга олган мухлиси беихтиёр ҳаёлот дунёсига сайр-саёҳат бошлаётгандай бўлаверади.

Унинг асарларида инсон Ер юзида ёлғиз эмаслиги, курраи заминимиз коинотда танҳо эмаслигига эътибор қаратилади.

Яқингинада нашрдан чиққан «Жодугарнинг эри» номи билан жамланган қисса ва ҳикоялар мажмуида ҳам асосан адиб юқоридаги ғояларни олға суради. «Жодугарнинг эри» қиссасида фантастик усул маъжозий маъно билан бирикиб кетган. Асар қаҳрамони Айра Габдулина образи орқали яқин йилларгача инсон эркини тизгинлаб, фақат ҳукмронлигини ўтказиб келган фирқавий раҳбарларнинг кирдикорлари рўй-рост очиб ташланади. Ўз манфаатини бошқалар манфаатидан юқори қўйишдай худбинлик иллатлари қораланади. Ҳатто муаллифнинг ўзи уларнинг устидан кулади, мазах қилади уларни. Қорани оқ, оқни қора, дейишга мажбур қилиб, элни йўлдан уришга қанчалик уринишмасин, барибир охир-оқибат панд еб қолишлари муқаррарлигини исботлаб беради.

Тўпламга кирган «Фаришта ташрифи», «Мутамаҳ», «Оловдан чиққан одам», «Иблис билан мулоқот» ҳикояларида замонамизнинг долзарб ижтимоий ҳамда маънавий муаммоларини ҳал қилинишидаги жараёнлар, эларо турлича дунёқарашлар ва улар ўртасидаги маънавий курашлар ёрқин аксини топган. «2000 йилга саёҳат» ҳикоясида эса эртанги кунлар истиқболи, техник жиҳатдан беқиёс ютуқларга эришишлар ва бунинг натижасида инсон онгининг камол топиши, турмушимизнинг гуллаб-яшнашига башорат қилинади. Инсон қудрати, инсон эътиқоди, инсон имони олқишланади.

Ҳожиакбар Шайхов воқеаларни ердами, ўзга сайёралардами — қайси вазият, қайси шароит ва қай усулда таъриф-тавсифламасин, нафосат ва гўзаллик шайдоси одамзотни юксакликка кўтаради, ақлидрокини шарафлайди. Унинг қобилиятига бас келадиган бу дунёда ҳеч нарса йўқлигидан кувонади, фахрланади.

Тили жуда содда унинг. Жумлалари равонлигидан китоби тез ўқилади ва ҳеч қандай савол-жавобга ўрин қолмайди. Афсонавий талқинлари, тасвирлаган мўъжизаларига ишонмай иложингиз йўқ. Дарвоқе, нега ишонмайлик? Атрофимизни ўраб турган нарсалар хоҳ кўзга кўринсин, хоҳ кўринмасин, ҳақиқий мўъжизадан иборат-ку? Қолаверса, ҳаётимиз — тирикликнинг ўзи мўъжиза. Оддий ва нигоҳ илғамас ҳужайра она қорнида етилиб, одам шаклига кириб, туғилиб, балоғатга етиши-чи? Одамзотнинг икки оёқда юришини айтмайсизми? Оддий тупроқдан турфа туман гиёҳлар, гул-чечаклар унади, ичкилик, егуликка ярайдиган дон-дун, сабзавот, полиз экинлари, тарақдай уруғдан эса ниҳол униб, дарахтга айланади, мева беради. Яна ҳар бирининг шакли, ранги, мазаси ҳар хил. Булар мўъжиза эмасми? Дарвоқе, ёруғ дунёдаги ҳамма нарса, ҳатто инсоннинг ўзи ҳам табиат маҳсулидир. Шундай экан, табиатнинг мўъжизакорлигини инкор этиш инсофдан эмас. Ҳожиакбар Шайхов ёзган асарлари билан ана шуни тан олишга чақиради бизни. Ўзининг эса бундай мавжудликка имони комил. Шу хаёл билан яшайди доим, шуни таърифлайди, куйлайди. Бундай адибларнинг фикр дунёси кенг, тасаввури бой бўлади. Бундай одамларнинг кечаётган умри ҳам афсонага тенг...

Мен шундай деб ўйласам узрлидир.

■ **Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ**

5-САҲИФА

«КАТТА СУТСОҒАР»

Қайта қуриш йиллари Хоразмга «катта хўжайин» — обкўмнинг иккинчи котиби келди. Уни касби тақозасига кўра кўпроқ чорвачилик фермалари қизиқтирди ва навбатдаги рейдлардан бирида у кутилмаганда... сигирлар кунига неча марта соғилиши билан қизиқсинди. «Эрталаб ва кечқурун — икки марта соғамиз!» дейишди маҳаллий раҳбарлар. «Кунига қанча литр сут бериши мумкин бир сигир?» деб яна қизиқсинди у. Маҳаллий раҳбар ўн-ўн беш литр атрофида сут олинаётганини айтди. Ўшанда «билимдон» зоотехник янги ташаббус билан чиқди: «Ҳар соғилганда сигир беш-етти литр сут бераркан, демак уларни туш вақтида ҳам соғиш керак, шунда «ҳосилдорлик» бирданига эллик фоизга ошади».

Озуқа ҳаминқадар бўлган, бунинг устига ўзимизда ишлаб чиқарилаётган пахтадан олинадиган чорва еми бошқа республикаларга сув баҳосида кетаётган бир пайтда сигирларни кунига уч марта соғиш тажрибаси натижаси шу бўлдики, олти ойда сут ишлаб чиқариш ўсиш ўрнига, пасайиб кетди. Баъзи чорва фермаларида соғин сигирлар ҳолдан кетиб йиқилиб қолиш, ҳатто ўлиши кузатилди.

Бутун вилоят чорвадорлари олдида «шармандали тажриба» билан юзи қаро бўлган ўша котиб кейин пахта етиштиришда «рекорд натижаларга эришиш» борасида ўзича янгилик излашга киришган эди.

■ **Рўзимбой ҲАСАН**

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сиёсат — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-47-80,133-38-55, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Ҳайдар Носиров

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи-дастурчи
Бахтиёр Жуманов

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: *Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 182

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 22.00
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ЎЗБЕК КИНОЧИЛИГИ ТАРАҚҚИЁТДА

Кейинги вақтларда «Ўзбеккино» давлат-акциядорлик компанияси томонидан халқимизга манзур бўладиган кўпгина фильмлар яратилди. Улар нафақат ўзбек томошабинлари томонидан, балки хорижда ҳам илиқ кутиб олинди. Жумладан «Воиз» бадиий фильми Туркияда, «Қоракўл» ҳужжатли фильми Японияда, «Булбул» мультфильми Россияда ўтказилган нуфузли халқаро фестивал ва кўрик-танловларнинг совринларига сазовор бўлди. Аммо, мавжуд ютуқларга қарамай, яратилаётган киноасарларнинг ҳаммаси ҳам савияси, ижрочилик услуби, жанри жиҳатдан етук фильмлар бўляпти, дейиш қийин.

Республика Киночилар уйида «Ўзбек кинодраматургиясининг асосий йўналишлари» мавзуида бўлиб ўтган давра суҳбати ана шу муоммаларга бағишланди. Анжуманда таниқли режиссёрлар, драматурглар ва санъатшунос олимлар мавжуд муаммоларни ҳамкорликда ҳал этиш борасида ўзаро фикрлашиб олдилар.

■ **Нодир ХОЛМАХМАТОВ**

«СОҒЛОМ АВЛОД» — МАРАФОНИ

Самарқанд вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан бир ой мобайнида вилоят, шаҳар ва туманларда «Соғлом авлод» марафони бўлиб ўтди. Бу саховатли ва хайрли ишдан тушган маблағ, соғлом авлодни вояга етказишда соғлом муҳитни яратишга сарф қилинади. ЎзБАТ корхонаси, Самарқанд шаҳар ва туман ҳокимлиги, «Турон банки», «Самарқанддон» ҳиссадорлик жамиятлари марафонга ўзларининг муносиб улушларини қўшдилар.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

НАВРЎЗНИ КУЙЛАБ

Яшариш ва покланиш фасли — Наврўзи олам кириб келмоқда. Мамлакатимиз бўйлаб шодлик аёми шарафига турли хил тадбирлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон Бастакорлар ва Ёзувчилар уюшмаларининг Наврўзга бағишлаб ўтказган қўшиқлар кўрик-танлови ғолиблари аниқланди. Тадбир уч йўналишда — болалар қўшиқлари, эстрада ва фольклор бўйича ўтказилди.

Танлов ҳайъати бир йўла етти қўшиқни, жумладан: «Севинч» болалар гуруҳи ижросидаги «Турна» (Ҳабиб Раҳматов шеъри, Хуршида Ҳасанова мусиқаси), Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқова ижро этган «Наврўз кунларим» (Пўлат Мўмин шеъри, Мустафо Бафоев мусиқаси) ва Республикада хизмат кўрсатган артист Кумуш Раззоқова куйлаган «Турналар» (Зулфия Мўминова шеъри, Дилором Омонуллаева мусиқаси) қўшиқларини юксак баҳолади.

Мазкур тадбирга Республика «Наврўз» хайрия жамғармаси ҳомийлик қилди.

■ **Ширин РАҲИМБЕРДИЕВА**

ФУТБОЛ МАВСУМИ АРАФАСИДА

«ТУРОН»ГА УМИД БОҒЛАБ

Орзиқиб кутилган дамлар яқин. Мухлислар ўша серзавқ ва ҳужумкор футболни соғинишган. Ҳадемай ўйингоҳлар яна гавжумлашиб, олқишлар янграй бошлайди. Мамлакат миллий чемпионатига шайланаётган жамоалар эса мавсумни кўтаринки руҳда бошлашга ҳаракат қилишмоқда. Шу муносабат билан Нукус шаҳар ҳокими, «Турон» футбол клуби президенти И. ҚАЛМУРАТОВГА бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

— Маълумки, янги мавсумда «Орол» футболчилари янги номда, яъни «Турон» жамоаси сифатида майдонга тушади. Турончиларнинг имкониятлари ҳақида нималар дея оласиз?

— Албатта, «Турон» қорақалпоқ мухлисларининг фахри ҳисобланади. Бу жамоага алоҳида эътибор беришимизнинг боиси ҳам шундан. Ишқибозлар жамоанинг 1992-94 йиллари олий лигада тўп сурганини яхши билишади. Жамоадан етакчи ўйинчиларнинг кетиб қолиши, қолаверса, маблағ билан таъминлаш масаласидаги узилишлар ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Мана, гўё имтиёз яратилгандек «Турон» яна олий лигада ўйнайдиган бўлиб турибди. Бу ўз навбатида олдимизга катта вазифа қўяди. Турончилар мавсумга ҳозирликни Тошкентда ўтказишди. Биз эса ўз навбатида ўйинчиларга шарт-шароитлар яхшилаш каби юмушларни охирига етказишга ҳаракат қилдик. Сўзсиз, жамоанинг мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида янги ўйинчиларни қабул қилиш, моддий имкониятларини шу кун талаблар даражасига етказиш каби тадбирларни амалга оширдик.

— Турончилар ўйингоҳининг мавсумга шайлиги ҳақида сўзласангиз?

— «Спартак» ўйингоҳи 1969 йил фойдаланишга топширилган. Албатта, бу маскан шу кун талабига жавоб бермай қолувди, бунинг устига қурилиш ишларининг иккинчи навбати ҳам тўхтаб қолган. 1998 йилдан бошлаб ўйингоҳнинг иккинчи навбати қурилиши ишларини тугатиш, томошабинлар учун мўлжалланган ўринларни 15 минг кишига етказиш борасида анча ишлар амалга оширилди. Айни пайтда майдонни майса билан қоплаш, ювиниш, кийиниш хоналарини тартибга келтириш, ўйинчилар учун дам олиш жойларини ҳозирлаш каби тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Булар ўз йўлига. Кучли команда ҳар қандай шароитда ҳам ўзини кўрсатади. Шунинг учун мавсумга шайликни ўртоқлик учрашувларида тобига етказиш асосий масала қилиб қўйилди. Учрашувлар қайси соатларда ташкил қилиниши мухлисларни кўпроқ қизиқтиради. Оқшом чоғлари ўйинлар бошлангудак бўлса, албатта ўйингоҳни ёритиш муаммога айланади. Шунинг учун ҳам ҳозирданоқ ёритиш асбобларини тайёрлаш, радио эшиттириш, ахборот воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлашга аҳамият бермоқдамиз. Ҳатто, электротабло масаласи ҳам ҳал бўлиб қолар.

— Томошабинларга яратиладиган шарт-шароитлар қандай?

— Ўз-ўзидан маълумки, ҳар бир футбол учрашуви мухлислар учун ўзига хос байрамга айланиши керак. Бунинг учун ўриндиқлар тозалигига эътиборни қаратиш, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш билан боғлиқ юмушлар кўнгилдагидек бўлиши шарт. Шунинг учун ҳам бу борада алоҳида дастур ишлаб чиқилган. Бу дастурга ўйинлар орасидаги танаффус чоғида санъаткорларнинг чиқишларини уюштириш, алкоголсиз ичимликлар ва қандолат маҳсулотлари билан савдо қилиш кўзда тутилган. Энди ўйингоҳга ташриф буюрган ҳар бир мухлис футболчининг профессионал тайёргарлигига эътиборини қаратиши табиий. Ниятимиз яқин келажакда ҳар бир футболчи тўп суришни ўзига касб деб билишдан фахрланадиган бўлади.

— Қорақалпоғистонда ёш футболчилар тарбияси, биринчи лига жамоалари орасида қорақалпоқ вакиллари ҳам бўладими, деган масалага қандай қарайсиз?

— Бор гапни очиқ сўзлаган маъқул. Бу йилча Қорақалпоғистон футбол жамоалари орасида биринчи лигада ўйновчилар бўлмайди десам мухлислар мендан ранжишмас. Зеро, биринчи лигасиз олий лигани тасаввур этиш ҳам қийин. Аммо, бундай муаммо ечимини ҳал қилиш йўлини изслаяпмиз. Бир пайтлар Ўрта Осиё минтақасида ўзининг ажойиб ўйинлари билан назарга тушган Тўрткўлнинг «Целинник» жамоасига умид боғлаганмиз. Ўйлаймизки, яқин фурсатларда ўринбосарлар жамоалари борасидаги муаммо ҳам ҳал бўлади. Айни пайтда футбол-интернат мактаби талабаларига эътибор катта. Ҳозирча бу мактабдаги аҳвол бизни қаноатлантирмай турибди. Уларни ҳам тўғри тушуниш керак. Сабаб бу мактаб-интернатнинг ҳозирча спорт базаси йўқ. Ана шундай ижобий ва салбий имкониятларимизга қарамай, «Турон» футболчиларини олий лигачилар сафида муносиб тўп суришлари учун барча кучларни ишга солишга ҳаракат қиламиз. Ўйлаймизки, «Турон» футболчилари фахримиз бўлиб турган «Нефтчи», «Навбаҳор», «Дўстлик» ва «Пахтакор» жамоаларидан ўрганиб, қолаверса, чиниқиб ўз йўлини топиб кетишга ҳаракат қилади.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

«САЛОВАТ» ЎЙЛАНМАСИ

Азиз мухлислар! Изоҳлари баён этилиб, рақамларда яширинган «очқич» сўзларни топинг.

1. Туш пайтида жамоат бўлиб намоз ўқиладиган кун — 15, 23, 6, 2.

2. Таваллудининг 910 йиллиги нишонланадиган ислом фақиҳларидан бири, дунёга кенг тарқалган «Ҳидоя» асари муаллифи — 6, 2, 5, 17, 3, 10, 14, 10, 3, 16.

3. Мусулмончиликнинг асосий фарзларидан бири — 13, 2, 9,14, 18.

4. «Қуръони Карим»даги Маккада нозил бўлган ва пайғамбарлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи суралардан бири — 21, 20, 23, 22.

5. Эътироф этилишича яратувчи томонидан юборилган афсонавий сув тошқини — 18, 4, 22, 14, 10.

6. Темурийзода, фалакиётшунос олим — 23, 1, 23, 17, 12, 19, 9.

7. Мусулмон ҳуқуқшунослиги соҳаси — 22, 3, 7, 8.

8. Куннинг мусаффо пайти — 18, 14, 10, 11.

Энди жавоблар асосида шакл марказидаги рақамларни мос ҳарфлар билан алмаштириб ўйланмани ҳал этинг. Улардан йўналиш бўйича ўқиш билан мумтоз шоир, олим ва Темурийзода Заҳириддин Муҳаммад Бобур меросига мансуб фардлардан бирини билиб олишга эришасиз.

Ўйланма: белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили бўйича:

1. Муҳаддислар султони, «Саҳиҳ» тўплами муаллифи. 2. Масжид биносининг Каъба томонидаги қисми. 3. «Аллоҳу акбар» иборасини ёдга олиш. 4. «Қуръоннинг онаси — асли» — деб аталувчи сура номи. 5. Макка шаҳрида Каъба яқинидаги муқаддас булоқ. 6. Гуноҳдан ўтиш, кечирим. 7. «Қуръони Карим»даги Тангри таалонинг буюк ва баракотли зот эканлигини таъкидлаш билан хотималанган сура. 8. Биҳишт. 9. Суфийликнинг муайян йўли. 10. Жамоа бўлиб намоз ўқиладиган жой. 11. Ислом динида тўрт бош фариштадан бири. 12. Маълум бир уруғ авлодларининг келиб чиқиши ва ўзаро қариндошлик даражасини ифодаловчи рўйхат. 13. «Қуръони Карим»даги энг узун сура. 14. Яраттанни ўз-ўзидан англаш, шубҳасиз эътироф этиш. 15. Ҳаж маросимларида номоз ўқиладиган Макка шаҳри шарқидаги тепалик. 16. Яратгучи билан пайғамбар ўртасидаги элчи бўлган фаришта. 17. Муҳаммад (С. А. В) томонидан айтилиб адо этилиши буюрилган нарсалар мажмуи. 18. Муҳаммад алайҳиссаломга мансуб Маккадаги қабила. 19. Суфийлик тариқатининг асосчиси, шоир «Девони ҳикмат» асари муаллифи. 20. Алишер Навоийнинг ҳадиси шарифлар асосидаги асари. 21. Каъбатуллоҳ жойлашган мамлакат. 22. Инсоннинг аввалдан белгиланган ҳаёт йўли, қисмат. 23. «Қуръони Карим»ни оҳанг билан ўқиш.

■ **Фозилжон ОРИПОВ тузди.**

ЖАВОБЛАР

Ўқиш сўзлари: 1. Жума. 2. Марғиноний. 3. Закот. 4. Исқуф. 5. Тўфон. 6. Улуғбек. 7. Фиқҳ. 8. Тоғ.

Фард:
Ҳаж йўлига кир, кўнгла, ҳамма ғам,
Бер ка, ок ар ўлса юз лаҳ комила.

Ўйланма: белгиланган хонадан рақам атрофига соат милли бўйича:
1. Бухорий. 2. Меҳроб. 3. Такбир. 4. Фотиҳа. 5. Замзам. 6. Саъвоат. 7. Рахмон. 8. Жаннат. 9. Тарикат. 10. Масжид. 11. Исроил. 12. Шажара. 13. Бақара. 14. Хакикат. 15. Аброҳат. 16. Жаҳроний. 17. Сунат. 18. Қуръон. 19. Исоний. 20. «Аҳбаний». 21. Саудия. 22. Такдир. 23. Қиёмат.



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Мурод Иброҳимовга опаси
Ҳумруз ая ИБРОҲИМОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси, иқтисодиёт бўлими мудири Юсуф Жўраевга қайнонаси
БУВИХОЛ онанинг
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.